

МЕХНАТ ҲУҚУҚИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.

TECHMIND-2021

Майор Б.Ч.Ярашев

Миллий Гвардия Ҳти Мустақил Изланувчи,



Аннотация:

Минтақавий меҳнат бозорининг оқилона шаклланишига ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатининг ўрнатилиши, ёлланма ходимлар ва тадбиркорларнинг касбий-малакавий даражаларини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллашуви, меҳнатга лаёқатли аҳолининг сафарбарлиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган янги иш жойларини яратиш учун инвестициялар ҳажмининг ошиши, оқилона бандликнинг вужудга келиши, ишсизликнинг қисқариши ва ижтимоий меҳнат муносабатлари ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви, асосида эришиш мумкин.

Калит Сузлар:

Меҳнат ҳуқуқи, Ҳуқуқий маданият, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ривожланиш, ҳужжатлар.

Бугун мамлакатимизда жадал ривожланаётган бозор иқтисодиёти меҳнат муносабатларига ҳамда кадрларнинг малакасига жуда юқори талабларни қўймоқда. Шундай экан меҳнат муносабатларига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, аҳолининг меҳнат ҳуқуқи бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий нормаларимизни халқаро стандартларга янада мослаштириш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида белгилангандек; “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”¹. Бундан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларга адолатли ва ҳавфсиз шароитларда меҳнат қилиш ҳуқуқини қафолатлайди.

Юқоридаги конституциявий ҳуқуқий норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида таъкидланган; “Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитлари бўлиши ва ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир”², деган умумэътироф этилган нормага тўла мос келади. Қонунчилигимизда мазкур норма бир қатор қонун ҳужжатлари – Меҳнат кодексининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш”³ деб номланган XIII-бобида, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг “Меҳнат қилиш ҳуқуқи қафолатлари деб номланган”⁴ 6-моддасида, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларида ҳам ўз ифодасини топган.

Меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш ва давлатларнинг меҳнатга оид қонун ҳужжатларини унификация қилиш масалалари шунингдек, давлатлар томонидан ратификация қилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида олинган мажбуриятларни ўз вақтида бажарилиши масалаларини бевосита назорат қилиш БМТнинг Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, // Lex.uz.

² БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси”, // Constitution.uz.

³ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси:

⁴ “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун, // Lex.uz.

ХМТ томонидан бугунга қадар қабул қилинган 200 дан ортиқ Конвенция ва тавсияларнинг кўпчилиги бевосита ёки билвосита фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларига бағишланган бўлиб, улар дунё микёсида инсон ижтимоий ҳимояси минимал кўрсаткичлари, асосий шакллари амалга оширилиш усуллари белгиланишига, давлатларда халқаро андозаларга мос келувчи ижтимоий ҳимоя ҳуқуқий тизимлари вужудга келишига, бу соҳада самарали механизмлар яратилишига имкон бермоқда.

Шу ўринда, халқаро меҳнат стандартлари ва унинг тушунчасига тўхталиб ўтсак.

Халқаро меҳнат стандартлари – ёлланма меҳнатни қўллаб қувватлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш яққа ва жамоавий меҳнат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан давлатлараро келишувлар орқали тартибга солиш қоидаларидан иборат бўлиб, меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш ишларининг асосий натижасидир⁵.

Қайд этиб ўтиш лозимки, ХМТнинг конвенция ва тавсия шаклидаги норматив актлари ўз мақсад ва вазифаларига кўра меҳнат ҳуқуқи муаммолари доирасидан четга чиқади, у меҳнатга оид масалалардан ташқари ижтимоий таъминот бериш, ходимларнинг бўш вақти, уй-жойлар билан таъминлаш, маиший хизматлар кўрсатиш, меҳнат статистикаси, касб-ҳунар таълими берилиши, меҳнатни бошқарилиши юзасидан давлат органларининг фаолияти каби соҳаларни ҳам қамраб олади⁶.

ХМТнинг тавсиялари аъзо давлатлар учун мажбурий кучга эга бўлмасда, қонунчиликни халқаро стандартларига мос равишда тўғри шаклланиши ва тўғри ривожланишига меҳнат муносабатларини инсонпарварлик ҳамда гуманистик принциплар асосида адолатли тарзда тартибга солинишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчиликни халқаро меҳнат стандартларига уйғунлаштирилиши юзасидан ҳам ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг 14 та Конвенцияси, шу жуладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 8 та асос солувчи Конвенцияларининг 7 таси, шунингдек мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишларига йўл қўймаслик соҳасидаги Конвенциялари ратификация қилган бўлиб, ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган барча қоидалар миллий қонун ҳужжатларимизга имплементация қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга⁷.

Сайлов комиссиясининг қарорлари ҳақиқий эмас дэб топилган ҳолларда, уларни қабул қилган сайлов комиссияси ушбу қарорлар асос бўлган ҳолатларни исботлаши шарт.

Шунинг учун корруптсия, манфаатлар тўқнашувини ўрганиш учун бир қатор расмий жинойтлар ҳамда мансабдор шахсларга хизмат кўрсатиш соҳаларини таҳлил қилиш зарур.⁹

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, бу дэмоқратик фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти эканлиги тўғрисидаги қоида.¹⁰

ХМТ томонидан қабул қилинган халқаро конвенциялар шунингдек меҳнат муносабатларини тартибга солувчи миллий қонунчилик тизими мавжуд бўлсада соҳага оид бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, меҳнаткаш мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари борасидаги миллий қонунчилигимизда амалга оширилаётган ислохотлар қаторида “Меҳнаткаш мигрантлар ҳуқуқлари” конвенциясини ишлаб чиқиш (ротификация) қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

⁵ Б.Мусаев “Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва миллий қонунчиликнинг шахс меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги халқаро стандартларга мувофиқлиги”// “Ўзбекистон Республикаси конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: –ТДЮУ нашриёти, – 2018, 75–Б.

⁶ Ўша жойда.

⁷ БМТнинг Халқаро Меҳнат Ташкилотини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари тўплами// Масъул муҳаррир:– Т.: – Адолат, – 2014. 256–Б.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, // Lex.uz.
2. БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси”, // Constitution.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси:
4. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун, // Lex.uz.
5. Б.Мусаев “Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва миллий қонунчиликнинг шахс меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги халқаро стандартларга мувофиқлиги”// “Ўзбекистон Республикаси конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: –ТДЮУ нашриёти, – 2018, 75–Б.
6. Ўша жойда.
7. БМТнинг Халқаро Меҳнат Ташкилотини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари тўплами// Масъул муҳаррир:– Т.: – Адолат, – 2014. 256–Б.
8. Tolibjonovich, M. T., & Toxirjonovich, S. D. (2021). The Institutional Mechanisms Of The Development Of The Electoral System In Uzbekistan. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(8), 4378-4384.
9. Odiljon, G. (2021). Stages of combating corruption in the Republic of Uzbekistan. *Middle European Scientific Bulletin*, 8.
10. Tolibjonovich, M.T. (2020). Protection of women's rights. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 1(5), 175-178.